

Ҳаёт йўли



16:11 / 03 март 1306

Ҳаёт бу мусофирчиликдир. Дунёга келар эканмиз умр бўйи давом этадиган узун йўлга мусофир бўлиб қадам босамиз. Баъзан йўлнинг ўзидан ҳам кўра елкамизга ортган юklarимиз, зиммага олган масъулиятларимизга кўпроқ эътибор берамиз. Асл вазифамиз йўлни босиб ўтиш эканини унутиб, юкимизнинг ҳаммоли бўлишни афзал кўрамиз. Ҳатто, шу даражага келамизки, юкни ташиш эмас, унинг остида эзилишни хуш кўрамиз. Бу ердаги мақсадинг не эканлигини унутма. Узоқ муддатли сафардир бу. Замон-замон тезлигингни йўқотсанг-да, ўзингни ҳорғин ҳис этсанг-да, тин олишга ўтирсанг-да, бу ерга йўл юриш учун келганинг ёдингда бўлсин. Бу йўлчиликда ўзинг учун тақдим қилишинг мумкин бўлган энг катта ёрдам ортиқча юклардан халос бўлишдир.

Масалан, сени ҳолдан тойдириб, юришингга халал бераётган, суръатингни пасайтираётган кераксиз юкларингдан воз кечишинг мумкин. Кеч тушгач, мусофир елкасидан юklarини тушириб, дам олишга чоғлангани каби ҳар оқшом кирар экан сен ҳам миянгдаги юклардан енгиллаш. Токи, тонгда дам олиб, кучга тўлган ҳолда уйғон. Бизнинг ишимиз бугунни эртага ташимоқдир, бугуннинг тагида йўқ бўлиб кетмоқ эмас. Зеро, эрталарда бизни кутаётганлар бор. Олдинда бизни табассум ила кутиб турган гўзал онлар бор. Шундай экан, ҳаёт юкининг ҳаммоли бўлма. Елкангга олганинг юк остида эзилиб, абгорликка юз тутма. Ўз қўлинг ила ҳаёт риштангга болта урма. Қисқаси, йўлингни йўқотма.

Алишер Султонходжаев

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*